

Мерос оятлари ҳақидаги саволлар (биринчи мақола)



15:07 / 17.01.2024 2169

Савол: Меросга тегишли учта мерос оятларидан бошқа оятлар ҳам борми?

Жавоб: Мерос тўғрисида ушбу уч оятдан ташқари бир неча ояти карималар ҳам келган. Лекин улар мужмал – қисқа бўлиб, меросхўрларнинг ҳақларига тафсилотларсиз ишора қилади. Меросда қариндошларнинг ҳақлари борлигини ойдинлаштира-да, ҳар бир меросхўрнинг мерос миқдорини баён қилиб, белгиламайди. Меросга ишора қилувчи оятлар қуйидагилардир:

1. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

بِكُلِّ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ كَتَبَ فِي بَعْضِ أَوْلِيَ بَعْضِهِمُ الْأَرْحَامِ وَأَوْلُوا

عَلِيمٌ ٧٥

«Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига ҳақлироқдир. Аллоҳ ҳар бир нарсани билгувчидир» (Анфол сураси, 75-оят).

2. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

فِي ذَلِكَ كَانَ مَعْرُوفًا أَوْلِيَاءِكُمْ إِلَى تَفَعَّلُوا أَنْ اللَّهُ

مَسْطُورًا الْكِتَابِ ٦

«Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига бошқа мўмин ва муҳожирлардан кўра ҳақлидир, фақат дўстларингизга яхшилик қилмоғингиз мустасно. Бу эса Китобда сатрлар ила битилмишдир» (Аҳзоб сураси, 6-оят).

3. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:



«Эркакларга ота-она ва қариндошлардан қолган нарсадан улуш бор. Аёлларга ҳам ота-она ва қариндошлардан қолган нарсадан улуш бор: озидан ҳам, кўпидан ҳам. Бу - фарз қилинган улушдир»
(Нисо сураси, 7-оят).

Биринчи ва иккинчи оятларда қариндошлар вафот этган марҳумларининг меросига, марҳумга қариндошлик алоқаси бўлмаган бошқа кишилардан кўра ҳақлироқ эканликларига ишора бор. Демак, меросга қариндош бўлмаган мўминлар ва муҳожирлардан кўра қариндошлар ҳақлироқ эканлар. Дарҳақиқат, Исломнинг аввалида мусулмонлар ҳижрат ва биродар тутинишлари, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳожир ва ансорларни биродарлаштириб қўйганлари сабабли муҳожир ансор биродаридан унга қариндош бўлмаса-да, мерос оларди. Ансорий саҳоба ҳам, қариндошлик алоқаси бўлмаса-да, диндаги биродарлик сабабли муҳожир биродаридан мерос олар эди. Бу иш дин ўз ўрнини топиб, унинг қоидалари Макка фатҳ этилиши билан мустаҳкам асосга эга бўлгунга қадар давом этди. Аллоҳ таоло ҳижрат ва биродарлик сабаби билан мерос олишни насх қилиб, уни қариндошлик ва насаб сабабли оладиган қилди.

Учинчи ояти каримада Борий табарока ва таоло икки ожиздан (гўдак ва аёлдан) зулмни кўтариб, уларга раҳмат ва адолат ила муомала қилиб, меросдаги ҳуқуқларини қайтариб берган. Аллоҳ таоло эркак ва аёлларнинг мерос олишини вожиб қилар экан, унда катта билан кичикнинг, эркак билан аёлнинг ўртасини ажратмай, балки ҳар бири учун меросда улуш борлигини билдирган. У мерос кам ёки кўп бўлсин, мерос қолдирувчи рози ёки норози бўлсин, барибир аёллар ва гўдакларнинг ҳурмат-эътиборини қайтариб берган. Уларнинг ҳаққидаги адолатсизлик ва зулмга барҳам берган.

Ушбу ояти карималар мужмал бўлиб, уларнинг тафсилоти ўтган ояти карималарда келган. Аллоҳ таоло уларда ҳар бир меросхўрнинг улушини белгилаган ва улар мерос илмининг устунидир.

(Давоми бор)

«Ислом шариатида мерос илми» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.